

Ҳожи зодроҳи.

﴿ زاد الحاج ﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

زاد الحاج

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ .

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره ونتوب إليه ونعوذ بالله من شرور أنفسنا وسيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له ومن يضلل فلا هادي له وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمدا عبده ورسوله صلى الله عليه و على آله وصحبه أجمعين

أما بعد:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ ва баракотуҳ ҳурматли ҳожи биродарлар! Оллоҳ таоло ҳаж ибодатларингизни ўз даргоҳида қабул айлаб, ҳажда қилган нуқсон камчиликларингизни ўзи мағфират қилсин!

Сафарлар уч турли бўлиб бири маъсият сафаридир. Оллоҳ бундан барчаларимизни ўзи асрасин! Яна бири мубоҳ сафар, масалан тижорат учун сафар қилиш каби. Аммо учинчи тури тоату ибодат учун бўлган сафар бўлиб у энг афзал сафардир, чунки унга ажр ва савоб бордир. Шунинг учун у бошқа сафарлардан қаттиқ фарқланмоқлиги лозимдир. Ҳаж ибодати ҳам анашундай улуғ сафар бўлиб, бунда мусулмон киши Роббисини буйруғига бўйинсиниб, буюк фарз амалини адо қилиш учун, муқаддас заминга отланади ва у ердан гуноҳлардан пок бўлиб, гўё онадан янги туғилган чақалоқдек ватанига қайтади.

Инсон ҳар қандай сафарга чиқишдан олдин сафариди керакли бўлган сафар эҳтиётлари ва етарли даражада озуқ овқат билан таъминланиб олади, ёки шунинг миқдорича пулни ҳар эҳтиётга қарши ортиғи билан олиб, ҳамёнини тўлдиради, чунки бунинг ҳисобини олмасдан чиқишидаги зарар ҳаммага маълум. Бизнинг суҳбатимиз бу хусусда эмас албатта. Лекин эътиборларингизни манабу Оят мазмунига қаратиб, энг керакли озуқани унитмасликка чақирмоқчимиз:

الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَاتٌ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفْتٌ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ وَمَا تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَرَوُا
فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَى وَاتَّقُونِي يَا أُولِي الْأَلْبَابِ (البقرة ١٩٧)

“Ҳаж маълум ойлардир (яъни шаввол, зул қаъда ва зул ҳижжанинг аввалги ўн куни) бас ким шу ойларда (ўзига) ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса) ҳаж давомиди (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал сурон қилмайди, Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади. Ва (ҳажга йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) таъминланиб олинг! Албатта энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Оллоҳдан қўрқингиз. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар! ” Оллоҳ таоло бандаларига нима манфаатли эканини яхши билган зот, раҳматини улардан дариф тутмай, доимо уларни анашундай манфаатларга йўллайди. Мусулмон киши Роббисини тарбиясидан четланмай, Унинг кўрсатмаларини дарҳол олмоқлиги керак, акс

ҳолда адашганлардан бўлиб, ўзига ўзи жабр қилган бўлади. Оллоҳ таоло бандаларига зулм қилгувчи эмасдир.

Демак бизлар учун сафарда энг муҳим ва керакли бўлган нарса Оллоҳдан қўрқиш экани маълум бўлди. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқишларидан аввал ўқийдиган дуоларида сафар машаққатларидан, Оллоҳдан паноҳ сўрашдан ҳам аввал бу сафарда яхшиликни, тақвони ва Оллоҳни рози қилгувчи амалларни насиб этишини сўрардилар.

قال الله تعالى: وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنْ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ (آل عمران : ٩٧).

Оллоҳ таоло айтадики: “Ва йўлга қодир бўлган инсонлар зиммасида Оллоҳ учун мана шу Уйни ҳаж зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса) бас, албатта Оллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир.”

Албатта ҳаж амалидан Оллоҳ эмас балки бандарларгина манфаатдор бўлиб, зарар ҳам ўзларигадир. Ва ҳаж йўлга қодир бўлганлар учун фарздир. Ҳажнинг фазилати ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиладилар:

العمرة إلى العمرة كفارة لما بينهما، والحج المبرور ليس له جزاء إلا الجنة

Умра икки умранинг ўртасидаги гуноҳлар учун каффоротдир, яъни умрадан кейинги умра иккисини орасида қилинган гуноҳлар учун каффорот бўлади.

Ҳажжул мабрурнинг мукофоти эса фақат жаннатдир.

Манабундай улкан фарз ибодатини, Оллоҳ хоҳлаганидек, унинг фарз вожиблари ва суннатларига путр етказмай адо этиб, ажру савоблар ва мағфиратларга эришиш учун, албатта тақво озуқаси керак. Чунки кишида тақво бўлмаса, ҳажда мўъмин биродарлари билан жанжаллашиб, ёки гуноҳ ишлар қилиб қўйиб, ҳажини ҳаж мабрур бўлишидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Тақвонинг маъносида уламолар тақво Оллоҳ ва унинг Росули буюрган вожибларни қилиб улар қайтарган ҳаромлардан қайтиш ила ўзинг билан дўзах ўртасида тўсиқ ясамоқлигингдир дейдилар.

Ҳурматли ҳожи биродарим! Тақво ҳосил қилиш учун аввалом бор, оламлар Роббиси бўлмиш Оллоҳ таолонинг нидосига лаббай деб, мукофоти жаннат бўлган улў сафарга чиққанлигингизни кўз ўнгингизда тасаввур қилинг. Бу ҳаж ибодати билан жамики

пайғамбарлар уммати мушарраф бўлиб у умматларни ўз пайғамбарлари уларга етакчи бўлиб бу муқаддас диёрларга муборак қадамларини босганликларини эсланг!

Сўнг Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилиб ўсиб, у зотга илк бор Оллоҳ тарафидан ваҳийлар нозил қилинган, она заминларига келиб у зот юрган мубарак тупроқлар устида турганингизни, ва Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб у зотга иймон келтириб саҳоба бўлиш шарофатига муяссар бўлган ва бутун оламга яхшилик мадрасасига айланган, улўғ инсонларнинг юрган ерларига келиш сизга насиб бўлгани ҳақида чуқурроқ тафаккур қилинг, шунда қалбингизда Оллоҳдан кўрқув пайдо бўлиб, ибодатнинг қадрини биласиз. Зеро Оллоҳ таоло кўп оятларида тафаккур қилишга буюрган.

Ҳажнинг энг асосий рукни бўлган Арафот майдонида дуолар қилиб туришни эсланг! у сизга маҳшаргоҳни кўз ўнгизда тасвирлаб, бу ҳолни оламлар Роббисининг олдида бутун ҳалойиқларнинг жамланишларига ўхшатади.

Саҳиҳ ҳадисларда келишича Оллоҳ таоло малоикаларига фахрланиб бандаларимга қаранглар, мени раҳматимни орзу қилиб олис олислардан сочлари тузиган, чанглар ботган ҳолда келдилар, мен сизларни шоҳид қилиб айтаманки: уларни гуноҳларини мағфират қилдим. дер экан.

Ҳожи биродарим! сиз ҳам манашу марҳаматлар остига дохилсиз! сизни бу фазлдан ҳеч ким манъ қила олмайди! қалбингиз севинчга тўлсин! Оллоҳ таоло сизни қандай неъматлари билан улўғлаганига назар ташланг!

Ўтмишдаги солиҳларнинг ҳаждаги ҳолларига ҳам бир боқинг! Чунки уларнинг юриш турмушлари бизлар учун катта дарсдир, ажаб эмас улардан таъсирланиб тақводорлардан бўлиб қолсангиз.

Ҳаким ибн ҳизом розиаллоҳу анҳу Арафа кўни сўйиш учун таёрланган юзта туя ва юзта қўлни олиб келиб, қўлларни озод этар эканлар, шунда бўни кўриб турган одамлар йиғига тушиб, овозларини кўтариб, дуо илтижолар қилиб айтишар эканки: Эй Парвардигоро! манабу қўлинг қўлларини озод қилди, биз ҳам сенинг қўлларингиз, бизларни дўзах оташидан озод қилгил.

Фузайл Арафада турганларида одамлар дуо қилашар экан у киши эса фарзандини йўқотган аёлдек қаттиқ йиғлар эканларки, ҳатто дуо қилишга ожиз бўлиб қолар эканлар. Қуёш ботар замон бошларини осмонга кўтариб ҳолимга вой бўлсин! агар мени кечирмаган бўлса Роббим дер эканлар!

قال الفضيل لشعيب بن حرب بالموسم : إن كنت تظن أنه شهد الموقف أحد شر مني ومنك فبئس ما ظننت

Ҳаж мавсумида бу зот Шуайб ибн Ҳарбга айтган эканларки: Агар сен бу ўринга мен ва сендан ҳам ёмон киши келган деб ўйлаган бўлсанг, жуда ёмон нарсани ўйлабсан, яъни биз гуноҳи кўп кимсалармиз демоқчидирлар.

وروي عن الفضيل أنه نظر إلى تسبيح الناس وبكأنهم عشية عرفة فقال : أرايتم لو أن هؤلاء صاروا إلى رجل فسألوه دانقا ؛ يعني : سدد درهم، أكان يردهم ؟ قالوا : لا . قال : والله للمغفرة عند الله أهون من إجابة رجل لهم بدانق

Яна Фузайлдан ривоят қилинишича у киши Арафа куни қуёш ботар вақт

одамларнинг тасбиҳ айтишлари ва йиғиларига қараб айтган эканлар: Қаранглар агар манабу одамлар ҳаммалари бир кишига бориб, бир дониқ, яъни дирҳамнинг олтидан бирини сўрашса, у одам уларни қайтариб юборадими? Олдиларидаги кишилар йўқ албатта дедилар. Шунда у зот айтдиларки:Оллоҳга қасамки Оллоҳдаги мағфират бу кишининг ҳалиги одамларга берадиган дониғидан ҳам енгилроқдир.

Бу солиҳлар ҳалқлар ичида обрў эътиборли ва фозил олим, тақводор бўлишларига қарамай ибодатда Оллоҳ таолога ҳақиқий қулчилик қилганлар. Уларнинг Оллоҳ учун узоқ ва давомли қилган ибодатлари уларга гуноҳдан покдирсан деган туйғуни кирата олмаган. Аксинча улар манашундай улкан ибодатларига қарамай ўзларини энг катта осий бандалардан ҳисоблаганлар.

Бу кишилар бизлар учун буткул мадрасадирлар, бизлар ҳам улар юрган йўллардан юриб, манабундай марҳаматларга мушарраф бўлайлик, ўзимизни бегуноҳ кимсалар деб ўйлаб, тавба тазаррулар қилмай, балки гуноҳу маъсиятлар билан машғул бўлиб фурсатни қўлдан бой бериб қўймайлик!

Бундан ташқари тақво озуқасини шу ҳаж асносида ҳам бир қанча амаллар орқали қўлга киритиш мумкин. Улардан бири сабр қилишдир.

Қуръонда тўқсондан кўпроқ ўринда сабр калимаси келган бўлиб, бирида сабр қилишга буюрилган бўлса, бирида Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргалиги айтилган, Яна бирида сабр қилгувчилар учун бўладиган марҳаматларни зикр қилинган ваҳоказо. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажни урушсиз жиҳод деганларидек ҳаж машаққатлари оғирдир. Ожиз банда бу қийин ибодатни адо этиш вақтида Яна қандай тақдирнинг имтиҳонларига дуч келишини олдиндан билмайди. Фараз қилинг ҳожига ҳожини кўнглини шод қилмайдиган ёмон хабар етиб келса, ёки ҳамёнини йўқотиб қўйса, ёки ҳаж ибодати бошланиши биланоқ касал бўлиб ҳаж тугаганда соғайса, ибодат ҳаловати йўқолиб не куйларга тушади деб ўйлайсиз? Ҳаж эса унинг пулини ёки шифо

топишини кутмай вақт ўтиши билан ўтиб кетаверади, гоҳо ҳожи бировга яхшилик қилиб ундан ёмонлик қабул қилиши мумкин, ёки сафар чарчоқлари чиқмаган кишиларнинг асаблари таранглашиб, ўрталарида тушинмовчиликлар бўлиши табиий ҳол, чунки одам фарзанди хатодан холи эмас. Анашундай қийин вазиятларда эҳромдалигини эслаб сабр қилишдан ўзга чораси йўқ, чунки ҳажда тортишув, жанжаллашув ҳаром қилингандир. Тақводорлар бу ўринларда сабр қилишга шошадилар ва ўшаларгина сабрга муваффақ бўладилар, бошқача қилиб айтганда доимо ўзларини сабрга ўргатиб келганлар, сабр қила оладилар ва ўшалар тақводорлардир.

Яна ҳажимиз ҳаж мабрур бўлиши учун ёрдамчи омиллардан бири чиройли хулқ ва хуш феъл бўлишдир. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳадисларида: “қаерда бўлсанг ҳам Оллоҳдан қўрқ, ёмон амалдан кейин албатта яхши амал қилгил, унга каффорот бўлади ва одамлар билан чиройли муомалада бўл! ” деб марҳамат қилганлар.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган ҳадисда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар:

« إِنَّ مِنْ خِيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا ».

Сизларнинг энг яхшиларингиз гўзал ахлоқ эгаларидир!

Бошқа ҳадисда айтадиларки:

« أَحِبَّ النَّاسَ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى أَنْفَعَهُمْ لِلنَّاسِ، وَأَحِبَّ الْأَعْمَالَ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ سُرُورَ تَدَخُّلِهِ عَلَى مُسْلِمٍ، أَوْ تَكْشِفَ عَنْهُ كَرْبَةً، أَوْ تَقْضِيَ عَنْهُ دَيْنًا، أَوْ تَطْرُدَ عَنْهُ جُوعًا، وَلِأَنَّ أُمَّشِيَّ مَعَ أَخِي الْمُسْلِمِ فِي حَاجَةٍ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ أَعْتَكِفَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ – مَسْجِدِ الْمَدِينَةِ – شَهْرًا، وَمَنْ كَفَّ غَضَبَهُ سَتَرَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ، وَمَنْ كَظَمَ غَيْظًا، وَلَوْ شَاءَ أَنْ يَمْضِيَهُ أَمْضَاهُ، مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ رِضَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ مَشَى مَعَ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ فِي حَاجَتِهِ حَتَّى يَثْبُتَهَا لَهُ، أَثْبَتَ اللَّهُ تَعَالَى قَدَمَهُ يَوْمَ تَنْزِلِ الْأَقْدَامِ، وَإِنْ سَوَّءَ الْخُلُقُ لِيَفْسِدَ الْعَمَلُ كَمَا يَفْسِدُ الْخَلُّ الْعَسَلُ » صحيح الجامع ١٧٦.

Одамларнинг яхшиси одамлар учун фойда бергувчиларидир, амалларнинг Оллоҳга суюклиси муслмонга хурсандчилик киритишинг, ёки ундан бир ғамни кўтаришинг, ёки қарзини адо этишинг, ёки очлигини кетказишингдир. Бир муслмон биродаримнинг ҳожати билан юришим манашу масжидда яъни мадинадаги масжидда бир ой эътикоф ўлтиришимдан афзал, кимики ғазабини босса Оллоҳ унинг айбларини беркитади, кимики аччиғини ичига ютса ўзи шу аччиғини чиқаришга қодир бўла туриб, Оллоҳ қиёмат кунда унинг қалбини ризо билан тўлдиради, кимики муслмон биродарининг ҳожатида бўлиб то ҳожатини ўтагунча бирга бўлса, Оллоҳ таоло қадамлар тойиладиган кунда унинг қадамини собит қилади. Ёмон хулқ эса сирка асални бузгандек амални бузади.

Бошқа ҳадисларда мўъмин киши чиройли ахлоқи ила кечалари намоз ўқиб кундузлари рўзадор юрадиган обидлар даржасига етишини хабар қилганлар.

Ҳа динимиз манашундай гўзал ахлоқларга чорлаб, инсонларни дунё ҳаётларида саодатли бўлиб кун кечиришларини хоҳлайди. Бу ахлоқлар нафақат ҳаж мавсумида бизларга керак бўлиб, ундан бошқа пайтлар зарурати йўқ нарса эмас, балки бундай ахлоқларга бутун турмуш ҳаётимизда эҳтиёжимиз қаттиқдир. Аммо ҳаж мавсумида эса бу ахлоқларга Яна ҳам аҳамиятимизни ортирмоқлик даркор! чунки ҳаж ибодатига путр етказмай Оллоҳ хоҳлагандек бажариш ва унинг улкан фазилатларига эришиш учун тақво озуқаси бўлиши шартдир, Оллоҳ таоло оқибат тақводорлар учундир дейди. Ҳалқимизда ҳам ким нима экса ўшани олади деган маъқол бор, яхшилик таратувчи манба бўлиб бир бирларимиз учун кечиримли бўлайлик.

Ҳожи биродарларим! Жаннат йўли учун олиб борадиган амалларга интилайлик! дўзах йўлларига грифтор қиладиган ишлардан четланайлик! ҳеч ким дунёга устун бўлиб қолмайди, ҳамманинг Роббисига қайтиш куни бордир. Ҳаммаларимизни Оллоҳ таоло мағфиратига етказсин!

وصلى الله على نبينا محمد وعلى آله وصحبه وسلم تسليمًا كثيرًا والحمد لله رب العالمين.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين